

ШОДЛИКЛАРГА ТҮЛИБ КЕЛДИНГ, НАВРҮЗИМ!



Олтинсойликлар Қорлық маҳалласидаги Наврӯзсойда байрамни тантанали нишонлади

Юртимизга Наврӯзи олам кириб келди. Турналар карвони феруза осмонда «Қурей-қурей» дея арғымчоқ солиб учмоқда.

Туманимиз меҳнат аҳли 2022 йилнинг Наврӯзини ҳам қувончли янгиликлар, меҳнат зафарлари билан кутиб олишди.

Бугун Олтинсой туманидаги Наврӯз байрамига бағишиланган халқ сайли Қорлық маҳалласи адирларида эрта тонгдан бошланди.

Тонг ёриша бошлагандан байрам ўтказиладиган жойга одамлар дарёдай оқиб кела бошлади. Турнақатор машиналар карвони қирга қараб тирмашарди. Ранго ранг кийинган опа-сингилларимиз, от минган чавандозлар, ўсма қўйган қизчалар, чопаётган болакайлар, машиналар карвони ажиб манзара касб этмоқда.

Адирлар устига тикилган оқ ўтовлар каттакон гулдай яшнаб турибди. Қирларга ўрнатилган паннолардаги «Наврӯз муборак бўлсин!» деган табрик ёзувлари олис-олислардан кўринади.

Адирда байрам авжига чиқди. Бир томонда Шерали бахши Жумаевнинг жарангдор овози адирни тутди, бир ёнда ёшлар спорт мусобақаларини бошлаб юборишиди.

Маҳаллаларнинг ўтовлари олдида қўшиқ ва рақслар, келин саломлар, чанқовуз оҳанглари, фольклор ансамбллари рақслари нигоҳларни сеҳрлади. Одамлар кенг адирликда кўнгил ғуборларини ёздилар.

Байрам тантаналари олдиdan қўрғонлар кўриги ўтказилди. Улар ранго ранг сўзаналар билан безатилган. Баҳорий таомлар дастурхонларни безатиб турибди. Дошқозондаги ош нуронийлар ва меҳнат фахрийларига, байналмилал жангчиларга тарқатилмоқда.

Оlam ям-яшил. Одамлар турфа кийинган. Ҳамманинг юзида қувонч.

15-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ёш ижро чиларининг доиралари гумбурлаб, далаларнинг асрий сукунатини бузаяпти.

Халқ бу ёқдан бу ёқقا дарёдай оқади. Тумандаги тадбиркорлар, ошпазлар, дўйончиларнинг бозори қизиган. Кўчма ошхоналар ишлаб турибди.

Ким меҳнат жамоаси билан, ким оиласи билан майсаларга гилам ёзиб яйрамоқда.

Соат 10-00да баланд жойга ўрнатилган катта саҳнага туман ҳокими ўринбосари Хайрулла Қосимов чиқиб, Олтинсой тумани ҳокими Алишер Джумаевнинг туман аҳлига Наврӯз табригини ўқиб эшилтириди.

Шундан сўнг олтинсойликларнинг Наврӯз байрамида қатнашиш учун Тошкентдан келган таниқли санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳром Назаров Олтинсой аҳлини байрам билан табриклади ва дилтортар қўшиқларини ижро этди. Эл севган хонанданинг қўшиқлари гулдурос қарсаклар билан олқишлианди. Туман маданият бўлими раққосалари саҳнани тўлдириб рақсга тушди. Дилбар қўшиқлар тобора авж олган сари томошибинларнинг севинчи орта борди. Барча-барча рақсга тушиб кетди.

Байрам куни туман спортчилари ҳам яшил майдонда ўзаро куч синашдилар.

Бир сўз билан айтганда, элимиз шу куни яйраб байрам қилди. Кексалар юртимиз тинчлиги ва ободлиги учун дуолар қилди. Бу кунларга етказгани учун шукроналар айтишди.

Элимиз 2022 йилнинг Наврӯзини ана шундай хушбахтлик билан кутиб олди.